

тасвир

Вазирлиги 100 компьютер № 968

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ  
№ 2

Қўқон шахар

2022 йил “26” июн/6

“Таъминотчи” - “Фарғона нефт базаси” МЧЖ Қўқон филиали рахбари А.Аббасов билан “Истевъмолчи” – Бўқон Ободои-ш баш. рахбари М. Жамиджонов ушбу шартнома қуидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартноманинг 1-боби (Шартноманинг мавзуси) қуидаги таҳрирда баён қилинсин.

1.Шартнома предмети

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган автобензин АИ-80 ҳамда дизел ёқилғисини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармогининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли карорига асосан сотиб олинган нархига устама қўйиб “Истевъмолчи”га етказиб беради:

1.2. “Истевъмолчи” “Етказиб берувчи” томонидан етказиб бериладиган автобензин АИ-80 ҳамда дизел ёқилғиси маҳсулотлари учун олдиндан 30% тўловни амалга ошириб боради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартномага асосан етказиб бериладиган нефть маҳсулотларининг нархи ККС (15%) ни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади. бензин 1560кг × 11000 = 17160 000

2.2. Мазкур шартноманинг умумий суммаси 17 160 000 сўмни ташкил қиласди.

2.3. Нефть маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига янги нарх қўлланилади. “Истевъмолчи”нинг ҳақдорлиги мавжуд бўлгани ҳолда нарх ўзгарган кунгача олиб кетилмаган нефть маҳсулотлари ҳам янги нархларда “Истевъмолчи”га етказиб берилади (сотилади).

2.4. Етказиб бериладиган (берилган) нефть маҳсулотлари учун тўлов 30% пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истевъмолчи”нинг ҳуқуqlари:

- а) ушбу шартномага асосан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефть маҳсулотлари етказиб беришни “Етказиб берувчи”дан талаб қилиш;
- б) етказиб берилган Нефть маҳсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш;
- в) сифатсиз Нефть маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда “Истевъмолчи”:
  - сифатли ана шундай турдаги нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;
  - нефть маҳсулотларининг сифатини “Етказиб берувчи” ҳисобидан тикланиши талаб қилиш;
  - етказиб берини муддатлари бузилгани ёки сифатсиз нефть маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда маҳсулотни қабул қилишини рад этиш;

- г) "Етказиб берувчи"дан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

### 3.2. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага асосан етказиб бериладиган нефть маҳсулотлари учун "Етказиб берувчи"нинг банкдаги хисоб рақамига олдиндан **30%** тўловни амалга ошириш;

б) шартномага мувофик етказиб берилган нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича қабул килиб олиш;

в) маҳсулотлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш.

### 3.3. "Етказиб берувчи" қўидаги хуқукларга эга:

а) мазкур шартнома мажбуриятлари "Истеъмолчи" томонидан тўлиқ ёки кисман бажарилмаган тақдирда ҳамда унинг натижасида "Етказиб берувчи"га моддий зарар етказилса "Истеъмолчи"га нисбатан жарима санкцияларини қўллаш ва етказилган зарарни ундириб олиш чораларини кўриш, шу жумладан судларга Даъво аризалари киритиш;

б) "Комитетент"нинг топшириги (тақсимот реестри)га мувофик ушбу шартномага асосан "Истеъмолчи"га етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул килишдан асоссиз бош тортганлиги натижасида етказилган зарарнинг қопланишини "Истеъмолчи"дан талаб қилиш;

в) етказиб берилган нефть маҳсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиклигини таъминлаш;

г) агар нефть маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Истеъмолчи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни **5** кун муддатда ўз хисобидан бартараф этиш;

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

**4.1.** Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун хужжатлари талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган хисобланади.

**4.2.** Нефть маҳсулотларини ёнилғи тарқатиш шахобчасидан етказиб берилганда, расмийлаштирилган тарқатиш варақасида "Истеъмолчи" вакилининг маҳсулотни қабул килганилиги тўғрисида имзоси қўйилган сана, агар маҳсулот "Етказиб берувчи"нинг омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

**4.3.** Нефть маҳсулотлари учун олдиндан ҳакини тўлаганлиги ва "Етказиб берувчи"нинг топшириги (тақсимот реестри)га мувофик "Етказиб берувчи" томонидан нефть маҳсулотлари етказиб берилганида "Истеъмочи" томонидан ўз вақтида қабул килиб олиши "Истеъмолчи" томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

**4.4.** Нефть маҳсулотлари "Истеъмолчи"га ёнилғи тарқатиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда ёки транспорт воситасида етказиб берилиши мумкин.

**4.5.** "Истеъмолчи"нинг розилиги билан ҳаки тўланган нефть маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Ушбу нефть маҳсулотлари кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулот хисобига ўтказилади.

**4.6.** Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда нефть маҳсулотлари етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган нефть маҳсулотларининг ўрии қопланиши (тўлдирилиши) лозим бўлади, бундай нефть

маҳсулотларини етказиб бериш “Истемолчи”нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилиши ҳоллари бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари бевосита “Истемолчи”нинг масъул ходими томонидан қабул қилиб олиниади. Топшириш-қабул қилиш хужжатида етказиб берилган нефть маҳсулоти миқдори кўрсатилади. Сифатига оид хужжатнинг нусхаси “Истемолчи”нинг талаби билан берилади.

4.8. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

## V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қиласди.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Агар етказиб берилган нефть маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, наъмуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартлараг жавоб бермаган тақдирда, “Етказиб берувчи” сифати зарур даражада бўлмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Нефть маҳсулотларини кечикириб етказиб бериш кечикирилган ёки тўлик етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Истемолчи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг **0,5** фоизи миқдорида **пеня** тўлайди, бироқ бунда **пеня** суммасининг умумий миқдори етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг **50** фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда, “Истемолчи” “Етказиб берувчи”га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг **0,4** фоизи миқдорида **пеня** тўлайди, бироқ кечикирилган тўлов суммасининг **50** фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.4. “Истемолчи” томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа кўшимча тўловларни тўламаганлиги учун “Етказиб берувчи” “Истемолчи”га тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг **0,4** фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг **50** фоизидан кўп бўлмаган миқдорда **пеня** тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар – зилзила, кургоқчилик, сув тошкени, ёнғин, сел, дўл, жала, қонун ва қонуности хужжатлардаги ўзгартиришлар ва хоказолар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганилиги исботланса, жавобгар бўлмайдилар.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўскинилик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўгрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини, “Етказиб берувчи”ни хамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда тарафлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар хокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-

мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чоратадбирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши лозим.

### VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқкан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустакил равишида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар жавобгар жойланган иқтисодий судда ҳал килинади.

### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишида бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор килинини мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатга эга бўлган вакиллари томонидан имзолангандан сўнггина ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхаси ҳам тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Шартноманинг бажарилишида бир томонлама рад этиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун хужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

### X. Реквизитлар

#### “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”:

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ

Кўкон филиали

Манзили: Кўкон шахар,

2-Кудуклик кўчаси 15-уй

х/р: 22604000300215485705

Саноат курилиш банк Яшнабод

филиали МФО: 00432

ОКОНХ: 71150

ИНН: 01104250, тел: 73-244-78-80



А.Аббасов

#### “ИСТЕММОЛЧИ”:

Кўкон Ободон-ш босеҳар масе  
Фрунзе № 1 ўй 543 00 90  
шер 1000 21860304051064100100001  
шак 100131694  
х# 1340 2000 3001 0000 1010  
шак 201 122819 0000 00014  
марказ - Банк Томонини со  
мөнбади 1200 0000 0000 0000  
Кўкон



Рахбар, 4-хона доимов

### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжайиндоритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Конуни ва бошка конун хужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиги

Н.Ахунташев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma №2.

2. Loyihaning nomi

Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi hamda "Farg'ona neft bazasi" MCHJ Qo'qon filiali o'rtaida yoqilg'i mahsulotlarini yetkazib berish to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Loyiha Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 6-yanvar kuni ishlab chiqilgan hamda tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**M.Mexmonov**

2022 yil «7» yanvar